Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2021 йил
26 январь
сешанба
№ 14 (4454)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Кун нафаси

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири **Ҳолид ал-Фалиҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси **Т.Норбоева** ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси **М.Камалов Беруний ҳамда Тўрткўл туманларига ташриф буюрди.**

* * *

Уч тилда Бухоро зиёратгоҳлари харитаси яратилди.

* * *

Жорий йилнинг **18-23 январь кунлари** пойтахтимизда қиличбозликнинг шпага, сабля ва рапира йўналишлари бўйича **Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.**

* * *

Сирдарё вилоятида қуввати 1 минг 500 МВт бўлган **янги иссиқлик электр станцияси** қурилишига старт берилди.

* * *

Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг Хорижий фуқароларни вақтинчалик сақлаш марказларидан **13 нафар юртдошимиз** 23 январь куни Москва – Тошкент йўналишидаги чартер рейс орқали **юртимизга олиб келинди.**

* * *



2021 йил 25 январдан мамлакатимизда **янги «Tracker» автомашинаси** сотувга чиқарилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухорода берган топшириғига кўра, 2021 йил 25 январдан бошлаб «**Тошкент – Олот – Тошкент» йўналишида ҳафтасига 4 маротаба йўловчи поездлари қатнови** йўлга қўйилди.

* * *

Ўзбекистон Бадиий академиясида **«Академия» галереяси ўз ишини бошлади.** Галереядаги илк тадбир академикларнинг «Фикрлар парвози» номли ҳисобот кўргазмаси бўлди.

* * *

22-23 январь кунлари Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги элчихонаси ва Навоий вилояти Туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида **Навоий, Хоразм ва Тошкент вилоятларига инфотур** ташкил этилди.

* * *

БАА ва Исроил ҳукуматлари кўп йиллик зиддиятдан кейин ўзаро **элчихоналар очишга қарор қилди.**

* * *

Португалияда 24 январда ўтган президент сайловларининг дастлабки натижаларига кўра, амалдаги президент 72 ёшли **Марселу Ребелу ди Соуза** 61,6 фоиз овоз тўплаб, 1-босқичнинг ўзидаёқ **ғалаба қозонди**.

* * *

Мексика президенти **Андрес Мануэл Лопес Обрадор коронавирус юқтириб олганини маълум қилди.**

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 – қисқа рақамли «Ишонч» телефони – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касаба уюшмаси аъзоси бўлишидан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерациянинг доимий эътиборида!

26 январь — Давлат божхона хизмати ходимлари куни

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, БОЖХОНАЧИЛАР!

Тошкент шаҳри

ҲАР КУН ШУНДАЙ ШИДДАТ БИЛАН БОШЛАНАР...

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантиришга кўмаклашиш тўғрисида»ги Раёсат қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари ўртасида спорт гимнастикасини жорий этилди.

Бундай тадбирлар ходимларни касб касалликларидан асраш билан бир қаторда, меҳнат самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, соғ танда – соғлом ақл, дея бежиз айтишмаган.

Ирода ҲИКМАТОВА,
Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Маданий-маърифий ва спорт ишлари» бўлими мудири

Спорт гимнастикаси

Хоразм вилояти

Касаба уюшмалари ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга кенг жалб қилишга қаратилган кўплаб тадбирлар уюштирмоқда. Корхона ва ташкилотларда иш берувчилар билан ҳамкорликда спорт заллари ташкил қилинмоқда. Кўплаб ташкилотларга спорт инвентарлари совға қилинаётгани эса нур устига нур бўлаётир.

Даъват

ҲАЁТ – ҳаракат демак

Хоразм вилоятида ҳам бу борада кўплаб лойиҳалар амалга ошириляпти. Хусусан, январь ойининг ўтган даврида 20 дан зиёд йирик спорт мусобақаси уюштирилди. Хоразм автомобиль йўлларидан фойдаланиш ҳудудий бошқармаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Боғот тумани ва Урганч шаҳар кенгашлари, Урганч давлат университетида ташкил қилинган мусобақаларнинг ҳар бирида юздан зиёд касаба уюшма аъзолари фаол иштирок этди.

Ушбу тадбирларда бир нарсага амин бўлдикки, спорт кишининг вақтини ўғирламайди, аксинча узайтиради, саломатлигини мустаҳкамлаб, иш унумдорлигини оширади.

Шундай экан, ҳар биримиз кунни жисмоний машқлар билан бошлашни, ҳар куни камида 5 минг қадам пиёда юришни одатга айлантирайлик. Зеро, ҳаёт бу – ҳаракат демак. Ҳаракат эса қут-барака келтиради.

Шокир МАДАМИНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармасининг Хоразм вилояти бўйича вакили

Самарқанд вилояти

Президентимиз Шавкат Мирзиёев асос солган Халқ қабулхоналари ўтган тўрт йил мобайнида халқнинг чинакам кўмакчисига айланиб, ўз муаммоларини кимга айтишни билмай юрган фуқароларга давлат органлари билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатиш имконини берди.

Аҳоли билан мулоқот

Халқ қабулхоналари: БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРИЗО КЕТМАЙДИ

Президентнинг Самарқанд туманидаги Халқ қабулхонаси мисолида айтадиган бўлсак, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган 2020 йилда қабулхонага жисмоний ва юридик шахслардан 1077 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг биронтаси эътибордан четда қолмади. Хусусан, уларнинг 699 таси тумандаги ташкилотларга ижро учун, 176 таси вилоят Халқ қабулхонаси орқали юқори ташкилотларга юборилди ҳамда 202 та мурожаат шу даргоҳнинг ўзида ҳал этилди. Туман Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг барчаси Президент Виртуал қабулхонасига киритилди. Уларнинг 607 таси қаноатлантирилди.

Халқ қабулхоналари давлат органларини халққа яқинлаштирадиган идорага айланиб бораётгани ҳам айни ҳақиқат. Хусусан, ўтган йили Самарқанд тумани Халқ қабулхонаси биносида 22 маротаба раҳбарлар қабули ташкил қилинди. Улар давомида 169 нафар фуқаро қабул қилиниб, 54 та мурожаат қаноатлантирилди.

Халқ қабулхонасида туман ҳокими 2 маротаба қабул ташкил этиб, 57 нафар фуқаронинг, тумандаги бошқа идоралар раҳбарлари 20 маротаба қабул ташкил этиб, 123 нафар фуқаронинг арз-у ҳолини тинглади.

Самарқанд тумани Халқ қабулхонаси ташкил этган 92 та сайёр қабулда 704 та мурожаат кўриб чиқилди ҳамда уларнинг 180 таси қаноатлантирилди.

Мурожаатлар билан ишлашда камчиликларга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича Халқ қабулхонаси 5 та таклиф киритди ҳамда улар асосида 5 нафар шахс интизомий, 1 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 1 нафар шахс билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Мухтасар айтганда, туман Халқ қабулхонаси ҳудуддаги барча давлат ташкилотлари, фуқаролар муаммолари билан ишлайдиган раҳбарлар, бошқарув органлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, ҳудудий секторлар, туман ҳокимлигининг барча бўлимлари, давлат идоралари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган.

Тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида Самарқанд туманида 740 та эҳтиёжманд оилага моддий кўмак кўрсатилди. Хусусан, «Янги жой», «Янги ариқ», «Бўзи» маҳаллаларида ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга гўшт, ёғ, шакар, гуруч, ун каби 11 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Албатта, бу эзгу ишларнинг бардавом бўлиши кишилар орасида меҳр-оқибат, диёнат, саховат каби тушунчаларни мустаҳкамлайди.

2020 йилнинг 29 декабрь санасида Президентнинг Самарқанд тумани Халқ қабулхонаси раҳбарияти ҳамда Самарқанд тумани 4-сектор раҳбари билан биргаликда «Ангоролмос» МФЙ фуқаролари ҳамда ёшлар билан ўтказилган учрашувда келиб тушган мурожаатга асосан мактаб ўқувчилари учун мусиқа асбоблари, касб-ҳунарга ўқиш учун тикув машиналари ўз эгаларига етказилди. Туманнинг 4-сектор ҳудудида жойлашган 37-умумтаълим мактабининг фаоллар зали таъмирлаб берилди. Шунингдек, туманнинг «Обод» маҳалласида яшовчи 2 нафар боқувчисини йўқотган чин етим И.Каримов ва М.Каримовага Президент совғалари ҳамда 4-сектор штаби номидан совға-саломлар билан биргаликда 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналарнинг аҳамияти беқиёс. Самарқанд вилояти судлари раислари ўтган йилнинг 26 ноябрь куни Самарқанд тумани Президент Халқ қабулхонасида фуқаролар билан учрашув, давра суҳбати ва сайёр қабуллар ташкил қилиб, фуқароларга муаммолар ечимини топишда тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар бериб, амалий ёрдам кўрсатилди. Сайёр қабулларда 22 та мурожаат кўриб чиқилди. Жумладан, 5 та мурожаат жиноят ишлари билан боғлиқ бўлиб, шундан 4 таси ижобий ҳал қилинди ва 1 нафарига ҳуқуқий тушунчалар берилди, фуқаролик ишлари бўйича 7 нафар мурожаат муаллифига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Маъмурий ишлар бўйича 9 та мурожаатдан 1 нафарига ҳуқуқий тушунтириш берилди ҳамда 8 таси ижобий ҳал қилинди, иқтисодий ишлар бўйича 1 нафар мурожаат муаллифига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Вилоят судлари томонидан ташкил этилган сайёр судларда 4 нафар шахс жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилинди, маъмурий ишлар юзасидан 8 нафар шахсга нисбатан ишлар тугатилди.

Қисқа қилиб айтганда, бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш, аҳоли билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ўз вақтида самарали ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланган Халқ қабулхоналари халқнинг муаммоларини тезкорлик билан ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Одамларнинг оғирини енгил қилиб, эртанги кунга бўлган ишончни янада мустаҳкамламоқда.

Илҳом МУРОДОВ,
Президентнинг Самарқанд туманидаги Халқ қабулхонаси мудири

Навоий вилояти

Ҳуқуқ

Сиз истаган адолат бор!

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга асосан ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли муносабатлар юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида ташкил этилган касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари фаолияти туфайли кўпдан-кўп масалаларга ечим топилмоқда. Кези келганда, Навоий вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳам салмоқ жиҳатидан анча залворли эканини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мисол тариқасида айтиш мумкинки, ўтган йилнинг сентябрь ойига қадар карантин шароитида муносиб меҳнат қилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа масъул идоралар ходимларига «Инқирозга қарши курашиш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан номаълум сабабларга кўра тўланмай қолган 1 миллиард 35 миллион сўм миқдоридаги маблағ бевосита меҳнат инспекцияси аралашуви натижасида ўз эгаларига ундириб берилди.

2020 йилги пахта йиғим-терими мавсумида теримчилар учун шарт-шароитлар яратиб берилиши, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик юзасидан касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида вилоятнинг Қизилтепа, Навбаҳор, Хатирчи ва Конимех туманларидаги 100 дан ортиқ фермер хўжалигида жиддий ўрганиш ва жамоатчилик назорати ишлари олиб борилди. Натижада 86 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, уларнинг 73 таси тезкорлик билан бартараф этилди. Назорат ўрнатиш жараёнида 36 нафар фермерга теримчиларга муносиб шарт-шароит яратмагани учун алоҳида кўрсатмалар киритилди. 4 нафар фермерга эса терим пулларини вақтида бермагани учун тегишли чоралар белгиланди.

Пахта йиғим-терими давомида инспекторлар 75 маротаба тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширди. Ана шу фаоллик туфайли фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ўз вақтида берилмаган 116 712 600 сўм миқдоридаги маблағ теримчиларга тўлаб берилди.

Шунингдек, 2020 йилнинг олти ойи давомида ишчи-ходимларнинг 25 та ёзма мурожаати қонунда белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди. Ўрганиш якунида суд органларига 5 та даъво аризаси ҳамда иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган 6 та кўрсатма киритилиб, фуқаролар фойдасига 12 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилди. Баъзи иш берувчилар томонидан сабабсиз тўланмай қолган 29 миллион 947 минг сўмлик ойлик иш ҳақи ҳам тезкорлик билан қопланди.

2020 йилнинг ноябрь ойида Энергетика вазирлиги тизимидаги нефть-газ ва геология корхоналари ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш, муносиб шароитлар яратиш имкониятлари устидан жамоатчилик назорати бўйича «Навоий нефть базаси» МЧЖ, «Ҳудудгаз Навоий» МЧЖ, «BENTONITE» МЧЖ ҳамда «Қизилқумгеология» давлат унитар корхонасида текширишлар олиб борилди.

Якунда иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган 7 та кўрсатма берилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Умуман олганда, ишчи-ходимлар истаган адолат бор. Унга эришмоқ учун улардан ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишлари талаб этилади. Агар зарур бўлса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жойлардаги меҳнат инспекторлари доимо кўмак беришга тайёр.

Алишер РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Навоий вилояти бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспектори

Жиззах вилояти

Касаба уюшма аралашуви билан

Тиббиёт ходимларини замонамиз қаҳрамонлари, деб атасак, асло муболаға қилмаган бўламиз. Уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаш учун кўплаб қарор ва фармонлар ижроси юзасидан бир қатор чора-тадбирлар белгилангани ҳам бежиз эмас. Бир, ҳатто, икки ойлаб касалхоналарда хизмат қилган шифокорлар, ҳамширалар, тез тиббий ёрдам кўрсатувчи машиналар ҳайдовчиларининг оила аъзоларига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб турилганидан ҳам хабардормиз.

Ходимлар ҳақи ундирилди

Коронавирус касаллигига чалинган беморларни даволаётган тиббиёт ходимларига қўшимча устама маблағлари тўланиши бўйича чиқарилган қарор ҳам айни муддао бўлди. Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, айрим тиббиёт муассасаларида ушбу маблағлар ўз эгаларига берилмаган экан.

Касаба уюшмаларининг меҳнат инспекциялари аралашуви билан бундай ҳолатларнинг олди олинди. Мисол учун, Жиззах шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси қошида ташкил этилган «COVID-19» амбулатория марказида ишлаб келаётган бир гуруҳ тиббиёт ходимларидан қўшимча устама маблағлари тўланмаётгани тўғрисида мурожаат келиб тушди. Мурожаатни ўрганган инспекция ходимлари томонидан 16 нафар ходимга 28 миллион сўм маблағ тўлаб берилишига эришилди.

Шунингдек, вилоят Эндокринология диспансери негизида коронавирусга чалинган беморларни даволаш учун 103 нафар тиббиёт ходими жалб этилган бўлиб, улар ҳам рағбатлантириш пулларини ундиришда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Инспекциянинг аралашуви билан мурожаатчиларга 1 миллиард 543 миллион сўм тўлаб берилди.

Ўтган йили пахта йиғим-терими даврида терим пулларини ўз вақтида бермаслик ҳолатлари ҳам юзага қалқиб чиқди. Инспекциянинг аралашуви билан Зарбдор туманидаги «Нодирбек» фермер хўжалигида 55 нафар теримчига 24 миллион 760 минг, «Ҳумоюн фахри» фермер хўжалигида 25 нафар теримчига 28 миллион, Пахтакор туманидаги «Жавоҳир орзуси» фермер хўжалигида 48 нафар теримчига 15 миллион 851 сўм терим пуллари ундириб берилди.

2020 йилда 87 та корхона ва ташкилотда 82 та назорат-профилактика ишлари олиб борилди. Ўрганиш ва назорат профилактика ишлари давомида 481 та камчилик аниқланиб, иш берувчиларга ушбу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Икром ЖАББОРОВ,
Суҳроб НУРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Жиззах вилояти бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспекторлари

Қашқадарё вилояти

Долзарб мавзу

Камбағаллик ва ишсизлик: МУАММО ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кам таъминланган, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган ва ногирон фуқароларга берилаётган эътибор сезиларли даражада ошди. Ўтган йилдан эътиборан «Темир дафтар»лар юргизилиб, бир қатор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Давлатнинг аҳоли ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган маблағлари ҳам сезиларли салмоқ касб этди. Бироқ «Қўлдан берганга қуш тўймас» деган гап ҳам бор. Зеро, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами муаммоларини аниқлаш ва уларга ечим топиш мақсадида «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»нинг йўлга қўйилиши камбағалликни тугатишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Кези келганда, Ғузор тумани ушбу масалалар бўйича намунали ҳудуд қилиб белгиланганини таъкидлашни истардик. Шу боис, бу ҳудудда аҳолини хатловдан ўтказиш ва дафтарларни шакллантириш бошқа туманларга қараганда эртароқ якунланди.

Савол туғилади, дафтарларда қайд этилган муаммоларга ечим топиш, манзилли дастур ижросини таъминлаш қай даражада?

– Оилада беш кишимиз, – дейди «Амир Темур» номидаги маҳаллада яшовчи Зуҳра Бердиева. – Турмуш ўртоғим ишсиз. Уч нафар фарзандим бор. Оилавий шароитимиз жуда оғир. Ўтган йилги карантин вақтида жуда қийналдик. Ҳалиям давлатимиз ўз фуқароларига ғамхўр. Моддий ёрдам пули ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб турдик. Икки ой олдин ишчи гуруҳ аъзоларига ишламоқчилигимни айтгандим. Мана, ҳозир мактабгача таълим ташкилотига ишга жойлашдим. Аммо олаётган маошим рўзғорга етмайди. Иккинчи ўғлим касал. Уни даволатишга пул керак. Қолаверса, болаларим «репетитор»дан қўшимча сабоқ олишини истайман. Улар олий ўқув юртларида ўқисин, улғайганда мен каби қийналмасин, дейман. Бу ҳам пул. Яна уй ҳам қуришимиз зарур. Шунинг учун кредит олмоқчи бўляпмиз. Чорвачилик қилиб, аҳволни ўнгламоқчимиз.

– Бизнинг маҳаллада ёши 30 ёшдан юқори бўлган 573 нафар аёл хатловдан ўтди, – дейди «Буюк карвон йўли» МФЙ раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Янгилой Маманова. – Шулардан эҳтиёжманд оила вакиласи Дилбар Эрдонаева, Юлдуз Назарова ҳамда боқувчисини йўқотган Севара Боймировага тикув машинаси тақдим этилди. Чеварлик касбига эга бўлган опа-сингил Дилбар ва Дилрабо Эрдонаевани «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо қилиб, устозлик қилишларига йўл очиб бердик. Айни пайтда улар қишлоқ қизларига тикиш-бичиш сирларини ўргатишяпти. Бундан ташқари, Маҳфуза Элмуродова имтиёзли кредит олиб, бугунги кунда буюртма асосида юмшоқ ўйинчоқлар тайёрламоқда. Иш сўраб мурожаат қилган Маъмура Ўринова ҳамда Хуршида Мавлонова меҳнат инспектори ёрдамчиси лавозимида фаолият юритишга розилик билдиришди. Дастлаб «Темир дафтар»га, сўнгра «Ёшлар дафтари»га кирган Ойбек Эшноровни эса 34-умумтаълим мактабига ўт ёқувчи қилиб ишга жойладик.

– Бизнинг маҳаллада 7856 нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди «Жарариқ» МФЙ раиси маслаҳатчиси Сафаргул Тошматова. – 3820 нафари хотин-қиз. Шундан 1501 нафари «Аёллар дафтари»га кирди ва ижтимоий аҳволи, муаммолари қайд этилди. 121 нафар аёл ишсиз, 12 нафари боқувчисини йўқотган. Ногиронларимиз ҳам бор. Афсуски, нотураржойда яшовчи, уйсиз фуқаромиз ҳам йўқ эмас. Масалан, Малика Шакарованинг уйи йўқлиги учун туман ҳокимлигига уй-жой билан таъминлаш бўйича тавсиянома тақдим этилди. Манташаккурномасини олдим. Ўзим, овсиним ва яна икки нафар аёл ҳамжиҳатликда ишлаймиз. Ҳозирда новвойхонани кенгайтириб, яна-уч-тўрт кишини иш билан банд қилиш ниятидаман.

Ҳа, ҳаракат қилса, ҳар қандай муаммога ечим топса бўлади. Бироқ боқимандалик, олинган кредитдан ҳам самарали фойдаланмай, уни мақсадсиз сарфлаб юбориш эса яна ўша гап – камбағалликнинг, ишсизликнинг давом этишига олиб келади.

Ғузор туманида 49050 нафар йигит-қиз «Ёшлар дафтари»ни шакллантириш асосида хатловдан ўтказилган. Уларнинг 3807 нафари ишсиз, деб қайд этилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 114 нафар йигит-қиз турли корхона, ташкилот ва муассасага ишга жойлашган. Масалан, «Чақар» маҳалласида яшовчи Фазлиддин Бўриев туман ободонлаштириш бошқармасида қоровул, «Гулистон» маҳалласи вакили Маъмура Эргашева 13-мактабда кирчи, «Жарариқ»лик Адолат Йўлдошева мактабгача таълим ташкилотида спорт йўриқчиси, Азамат Қўчқоров 18-мактабда ўқитувчи, «Гулшан» МФЙ фуқароси Сабрина Холматова 4-мактабгача таълим ташкилотида тарбиячи бўлиб ишламоқда.

«Қоракўл» МФЙда яшовчи Лобар Тоғаева, Азиза Рустамова ва бошқаларнинг турли мактабгача таълим ташкилотларида ўт ёқувчи бўлиб иш бошлагани ҳақида маълумотлар бор. Ишли бўлган 114 нафар йигит-қизнинг ярмидан кўпроғи ўт ёқувчилар экани, тўғриси, кишини бироз ўйлантиради.

Албатта, ишсиз юргандан ишлаган яхши. Аммо кунлар исиб, баҳор ва ёз келганида улар яна қиш фаслигача ишсиз қолишадими?

Ўйлаймизки, маҳалла ва ташкилотлар мутасаддилари бу каби мавсумий иш билан банд этилган ёшларни кейин ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйишмайди. Аслида, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»дан кўзда тутилган мақсад ва талаб ҳам шу эмасми?..

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Хоразм вилояти

Бошланғич ташкилотларда

Университетимизда 19434 нафар касаба уюшма аъзосининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Эзгу ишларга камарбастамиз

Хусусан, бакалавр йўналишида 14451 нафар, магистратурада 400 нафардан зиёд талаба таҳсил олаётган бўлса, уларнинг 240 нафари кам таъминланган оила фарзанди ва 116 нафари ногиронлиги бор бўлиб, уларни моддий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда.

Ҳозир илм масканимизда 109 нафар нафақа ёшидаги ходим фаолият кўрсатаётир. Ўтган йили пенсияга чиққан 19 нафар ходимнинг юбилей саналарида уларнинг ҳар бирига иш берувчи икки ойлик маош миқдорида мукофот пули, касаба уюшмаси эса моддий рағбатлантириш ишларини амалга оширди.

Касаба уюшма қўмитаси ходимлар ва талабаларни спорт-соғломлаштириш ишларига жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. Барча факультетларда ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилган.

Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотининг фаолияти шулардангина иборат эмас. Мунтазам равишда ходимларнинг иш, талабаларнинг ўқиш, талабалар уйида яшаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун яратилган шароитлар ўрганилиб, аниқланган камчиликларни яхшилаш борасида иш берувчига таклифлар киритиб борилади.

Пандемия даврида 205 нафардан ортиқ ходимга касаба уюшма бошланғич ташкилоти томонидан 340 минг сўмдан кўмак берилди.

Юртимизда карантин эълон қилинган даврдан бошлаб, биринчи навбатда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи кун тартибидаги долзарб вазифа этиб белгиланиб, бу борада ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, касаба уюшма қўмитаси олий-гоҳда фаолият кўрсатаётган ижтимоий ҳимоя-га муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногирон фарзанд тарбиялаётган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари тарқатди.

Олимбой ОТАЖОНОВ,
Урганч давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси

Ўзбекистон ташқи сиёсати: ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ – ПИРОВАРД МАҚСАД

Марказий Осиё ҳудуди қадимдан дунё тамаддунлари бешикларидан бири ҳисобланган. Унинг ушбу мақоми ҳамиша тан олинади. Бугунги мураккаб даврда мазкур минтақанинг нафақат тарихий аҳамияти, балки геостратегик қиймати ҳам ошиб боряпти. Бу бежиз эмас. Зеро, охирги йилларда биз яшаб турган мазкур маконнинг Россия, АҚШ ва Хитой каби қудратли давлатлар мақсад ва манфаатлари ўзаро кесишадиган муҳим сиёсий нуқта сифатида роли кучаймоқда.

Турдиқул БЎТАЁРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ахборот-таҳлил маркази директори ўринбосари, мустақил тадқиқотчи

КАТТА ДАВР ЭМАС, АММО...

Маълумки, совет давлати парчалангач, унинг таркибида бўлган Марказий Осиё Республикалари, шу жумладан, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Бу эса минтақада йирик геосиёсий ўзгаришларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Сиёсий ва иқтисодий қарамликдан қутулиб, жаҳон харитасидан жой олган янги мамлакатлар ўтган давр мобайнида миллий давлатчилигини тиклаш ҳамда ривожлантириш йўлида қатъий кетяпти. Хусусан, ўтган даврда улар аста-секин суверен мавқеини мустаҳкамлаб, Марказий Осиёда ва жаҳонда кечаётган сиёсий жараёнларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиларига айланиб бормоқда.

Тарих нуқтаи назаридан 30 йил унчалик катта давр эмас, аммо ушбу даврда эришилган ютуқларни умумлаштиришга ҳаракат қиладиган бўлсак, минтақа давлатлари «йўл боши»дан унчалик узоқлашмаганини тан олишимиз керак бўлади. Бу шу ҳолатларга уйқаш дунё тажрибаларига солиштирганда янада очиқроқ кўринади. Масалан, 1979 йили ўз ислоҳотларини бошлаган Хитой давлати 30 йиллик муддатда дунёнинг иқтисодиёт жиҳатидан етакчи давлатларидан бирига айланди. Сингапур, Жанубий Корея ва Малайзия сингари давлатлар эса юқори индустриал тараққий этган давлатлар қаторига кириш учун бундан ҳам камроқ вақт сарф қилишди. Тўғри, ушбу давлатлар бевосита йирик денгиз йўлларида жойлашган, бу ҳол эса уларнинг экспорт-импорт сиёсатини амалга оширишга катта қулайлик туғдиради. Бироқ табиий ресурслар жиҳатидан у давлатлар потенциали минтақамиз давлатларининкидан анча пастроқ эканини экспертлар кўп тилга олишади.

Муқоясага келсак, кўриниб турганидек, бу каби таққослашлар бизнинг фойдамизга ишламаслиги аниқ. Чунки 30 йил ичида минтақамизда жойлашган давлатларнинг ҳеч қайсиси ўз тараққиётида бу қадар кучли иқтисодий «сакраш» қилолгани йўқ. Албатта, бунинг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бор. Экспертлар фикрича, минтақамиз Осиё қитъасининг ичкарисида жойлашгани боис узоқ асрлар давомида Ғарбнинг илмий ва технологик тараққиёт жараёнларидан четда қолиб келди.

Ҳозирги кунда жаҳонда рўй бераётган глобал ўзгаришлар Марказий Осиёда интеграция масаласини долзарб қилиб қўймоқда. Жумладан, минтақа ичида ҳамда унинг атрофида юзага келаётган геосиёсий ва геоиқтисодий шароитлар азалдан қардошлик ҳамда яқин қўшничилик муносабатида бўлиб келган халқларимиздан ўзаро интеграциялашув масаласига жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Яъни Марказий Осиё мамлакатлари яқин 10-15 йил ичида ё ўз кучини муштарак этган ва юқори суръатларда ҳаракатланган ҳолда дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафига қўшилиб олишади ёки яна узоқ йиллар давомида бошқа чет давлатларга хомашё етказиб берувчи ярим колониал минтақа бўлиб қолаверади.

ОРТГА СУРИЛИШ ТАЪСИРИ

Афсуски, мустақилликнинг илк даврида айрим объектив ва субъектив омиллар сабабли минтақавий ҳамкорлик ва интеграция масалалари орқага суриб келинди. Хусусан, умумий чегараларни белгилаш ҳамда ер-сув ресурсларини тақсимлаш энг муҳим минтақавий масалаларда ҳар бир давлат, аввало, ўзининг миллий манфаатларини илгари суришга ҳаракат қилди. Бу, ўз навбатида, қўшнилар ўртасида айрим келишмовчиликлар ва тангликни келтириб чиқарди.

Афсуски, қўшни давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизлик ва зиддиятларнинг аста-секин тўпланиб боришидан минтақадан ташқарида жойлашган йирик геосиёсий кучларнинг ушбу таранглашган мураккаб вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолиш учун уринишлари Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик, барқарор тараққиёт жараёнларига ҳам салбий таъсирни кўрсата бошлади.

АҲИЛ МУҲИТ САРИ ИЛК ҚАДАМЛАР

Мана шундай мураккаб бир пайтда нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа тарихида янги давр бошланди. Яъни, 2016 йилдан Президент Шавкат Мирзиёев амалга ошира бошлаган кенг қамровли ислоҳотлар ҳамда очиқликка асосланган дўстона қўшничилик сиёсати Марказий Осиё ва унинг атрофидаги халқаро жараёнларга йўл очди. Чегаралар тантанали равишда, карнай-сурнай садолари остида очилганида, бу воқеа чегаранинг ҳар иккала томонида яшаётган фуқароларимиз учун чинакам байрамга айланиб кетганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.

Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти томонидан қўшнилар билан муносабатларни тўғрилаш мамлакат ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши, деб эълон қилингани қўшни давлатлар ва халқаро ҳамжамият томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Расмий Тошкент минтақани тортишув ва рақобат майдони эмас, балки яқин қўшничилик ва ҳамкорликка асосланган ҳолда барқарор ривожланиш имконини берадиган минтақага айлантиришга доир фикр-мулоҳазаларни илгари сурди.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясининг «Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар»** деб номланган қисмида ҳам «Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш» устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

Марказий Осийдаги минтақавий интеграция масалаларига ҳам катта эътибор қаратила бошланди. Хусусан, давлат раҳбари **2017 йил 17 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида минтақавий вазият борасида катта дастурий нутқ билан чиқиш қилди**. У ўз нутқида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилганини таъкидлаб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ташкил этиш ташаббусини билдирди. Ҳозирги кунгача Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккита маслаҳатлашув учрашуви (биринчиси 2018 йил 15 март куни Қозоғистон пойтахтида, иккинчиси 2019 йил 29 ноябрь куни Тошкентда) бўлиб ўтди.

Муносабатлар илиқлашганини инобатга олиб, Ўзбекистон қўшни давлатларга Марказий Осиё минтақасидаги кўп томонлама ҳамкорлик бўйича якдил нуқтаи назарни шакллантириш, минтақавий инвестицион форумни ташкил этиш, ҳаммамизга маъқул келадиган умумий туристик бренд, ҳатто, ягона туристик виза ва йўналишларни тасдиқлашни таклиф қилди.

МИНТАҚА ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР ИККИ МУҲИМ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТ

Бундан ташқари, расмий Тошкентнинг ташаббуси асосида ўзбек дипломатиясининг қўшни давлатлар билан олиб борган қизғин саъй-ҳаракати ўлароқ, **2019 йилда БМТ шафелигида Марказий Осиёга бевосита дахлдор иккита резолюция қабул қилинишига эришилди.** Биринчиси **«Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш»** резолюцияси бўлиб, унда минтақа давлатлари раҳбарларидан ташқари ташқи ишлар вазирлари даражасида доимий сиёсий маслаҳатлашувларни йўлга қўйиш, халқаро майдонда ушбу мамлакатлар салмоғи ва таъсирини ошириш каби масалалар кўзда тутилган. Шунингдек, ҳужжатда ўзаро мувофиқлаштирилган транспорт-транзит имкониятларини кенгайтириш ва денгиз йўлларига чиқишга доир йирик лойиҳаларни бирга амалга ошириш ҳамда илм-фан, таълим, санъат ва спорт каби соҳалардаги ҳамкорликка ҳам эътибор берилган.

БМТ томонидан қабул қилинган иккинчи резолюция **«Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш»** деб номланади. Унда минтақавий туризмни йўлга қўйиш масаласига урғу берилган.

Шундай қилиб, бугунги кунда Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган қатъий хатти-ҳаракатлар Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги яқин қўшничиликка асосланган ўзаро сиёсий ишончни, дўстона алоқаларни ва савдо-иқтисодий ришталарни мустаҳкамлаб, минтақа ичкарисида ва унинг атрофида ижобий халқаро муҳит пайдо бўлишига ҳамда ўзгача геосиёсий вазият шаклланишига замин яратмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати натижасида бутун бир минтақа, ҳатто Афғонистоннинг ҳамкорлик, савдо ва бошқа манфаатлари учун ҳам ижобий имкониятлар ҳамда ниҳоятда қулай шарт-шароитлар юзага кела бошлади.

ТАРҚОҚЛИКДАН ҲАМЖИҲАТЛИК САРИ

Маълумки, 30 йиллик мустақил ривожланиш даври минтақадаги ҳар бир давлатнинг ўз миллий мафкураси ҳамда сиёсий-иқтисодий манфаатларининг алоҳида тарзда шаклланишига олиб келди. Аммо бугунги кунга келиб, ушбу тарқоқ миллий манфаатлар билан Марказий Осиёдаги умумминтақавий манфаатлар ўртасида чамбарчас узвий боғлиқлик борлиги кўпчилик сиёсатшунос экспертлар томонидан тан олинмоқда. Бу эътироф эса Марказий Осиёнинг яқин ва ўрта келажакдаги истиқболи минтақа давлатларининг ўзаро интеграцияси, яъни минтақанинг яхлит бир геосиёсий ва геоиқтисодий тизим сифатида шаклланишига нақадар кўп жиҳатдан боғлиқ экани тўғрисидаги концептуал фикр-мулоҳазаларни илгари суради.

Таъкидлаш керак, Ўзбекистоннинг минтақавий интеграция, хавфсизлик ва барқарор ривожланиш масалаларига янгича ёндашувини теранроқ англаш ҳамда назарий-концептуал жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш вазифаси кун сайин муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Шу аснода, Президентнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида **Марказий Осиё халқаро институтининг ташкил қилингани ҳақида эълон қилиниши** минтақамиздаги сиёсатшунослар ва чет эллик экспертлар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Шунингдек, Мурожаатномада **Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий концепциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурати ҳақида** ҳам сўз юритилган. Гап шундаки, мустақил Ўзбекистон тарихида Марказий Осиё минтақаси ёки яқин қўшни давлатлар билан муносабатлар ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналиши сифатида ҳеч қачон тан олинмаган. Бу ҳеч кўз юмиб бўлмайдиган факт...

ҲЕЧ КИМ ИНКОР ЭТА ОЛМАЙДИГАН ҲАҚИҚАТ

Ҳолбуки, узоқ ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон ва ўзбек халқининг Марказий Осиёда тутган ўзига хос ўрнини ҳеч ким инкор эта олмайди. Яъни мамлакатимиз нафақат географик, геосиёсий ва геоиқтисодий нуқтаи назардан, балки маданий, маърифий ва диний жиҳатдан ҳам минтақани бирлаштириб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда минтақада ва унинг атрофида шаклланаётган янги геосиёсий вазиятнинг ўзига хос моҳиятлари ҳамда яқин ва узоқ келажакдаги истиқболлари давлатимиз ташқи сиёсий концепцияси ислоҳ этилишида ҳар томонлама ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ.

Ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиёнинг яхлит минтақа тарзида кенг жаҳон миқёсидаги халқаро муносабатлар тизимидаги тарихий ўрни ва бугунги кундаги геосиёсий ролини жиддий таҳлил қилиш, шунингдек, минтақамиздаги хавфсизлик ва интеграция жараёнлари, яқин қўшничилик ва барқарор ривожланиш масалаларини чуқур ўрганиш вақти келди. Айниқса, мазкур тенденцияларга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи ва ички кучларнинг сиёсий мақсадлари моҳиятини илмий асосда ўрганиб чиқиш зарур.

Амалий жиҳатдан эса, бизнинг фикримизча, ушбу тадқиқотлар натижасидан Ўзбекистон ташқи сиёсатининг минтақавий стратегияси ва тактикасини шакллантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўз навбатида, у Марказий Осиё давлатларининг умумминтақавий ҳамкорлик концепциясини яратишда ҳам қўл келиши шубҳасиз.

ТАҲЛИЛГА АСОСЛАНГАН АНИҚ ТАКЛИФЛАР

Хўш, Марказий Осиёнинг яхши қўшничиликка асосланган янги минтақавий интеграцион конфигурациясини шакллантириш учун нима қилиш лозим? Келинг, бу борада биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган айрим устувор вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазамизни билдириб ўтсак:

Биринчидан, таҳлилчилар тўғри урғу беришаётганидек, Марказий Осиё давлатларининг сиёсий элиталари муҳим масалалар бўйича эндигина бирга ишлаш учун кўникма ҳосил қилмоқда. Яъни бугунги кунда минтақада рўй бераётган ижобий ўзгаришлар таъсирида яқин қўшни давлатлар раҳбарлари, ҳукуматлар доиралари ҳамда вазирликлар ўртасида муайян тартибда ва тизимли равишда ишлайдиган, яъни мунтазам ишчи режимида амалга оширилаётган ҳамкорлик механизми шакллана бошлади.

Иккинчидан, минтақа давлатлари ўртасидаги чегараларнинг делимитация ва демаркация жараёнлари ҳалигача ниҳоясига етказилгани йўқ. Бу ҳол эса узоқ йиллар давомида чегаравий низоларга сабаб бўлмоқда ва ҳозирги кунда ҳам айрим жанжалларни келтириб чиқаряпти. Мазкур масала ўта нозик бўлиб, иложи борича жадаллик билан ҳамда ўзаро келишувлар асосида ҳал қилиниши лозим. Акс ҳолда, у минтақа давлатларининг яқин қўшничилик муносабатларига соя ташлайдиган асосий омиллардан бири бўлиб қолаверади.

Учинчидан, минтақадаги дарёларнинг трансчегаравий мақомини аниқлаштириш, сув ресурсларини тақсимлаш ва энергетика масалалари ҳам биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар қаторига киради. Эскпертларнинг эътирофига кўра, Ўзбекистон томонидан қўлланилаётган янгича ёндашувлар туфайли ушбу масалалар атрофида илгари минтақада юзага келган таранглик ҳозирги кунга келиб анча юмшатилди.

Аммо айрим экспертлар бу масалалар ҳали ҳам ўз кескинлигини йўқотмаганини таъкидлайди. Боз устига, бу каби низоли масалаларда минтақа давлатлари фақат оғзаки баёнотлар ва ваъдаларга таяниб иш тутмаслиги лозим.

Шундан келиб чиқиб, мазкур масалалар дўстона руҳда, аммо ниҳоятда жиддий ёндашув асосида муҳокама қилиниши ва улар юзасидан минтақа даражасида якдил келишувга эришилиши лозим. Кенг халқаро тажрибадан келиб чиқиб, трансчегаравий дарёлар ва сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича узоқ муддатли минтақавий битим тайёрланиб имзоланса, айни муддао бўлади. Чунки халқаро ҳуқуқдан келиб чиқиб, минтақадаги ҳар бир давлат ушбу масалалардаги ўз ҳуқуқ ва мажбурияти (шу жумладан, ўз мажбуриятини бажармаган тақдирда унга қандай санкциялар қўлланилиши)ни аниқ билиб олади. Бу эса келгусида юзага келиши мумкин бўлган кўпгина давлатлараро низоларнинг олдини олиш имконини яратади.

Тўртинчидан, қўшни давлатлар томонидан минтақамиз тарихининг бир хил илмий ва сиёсий жиҳатдан талқин этилишига эришиш ҳам долзарб масала ҳисобланади. Шу боис минтақа тарихи бўйича биргаликда умумий дарсликлар тайёрланиб, Марказий Осиёдаги барча ўқув муассаларида татбиқ этилса, нур устига нур бўлади.

Бешинчидан, ҳозирги кунда Марказий Осиёда юзага келаётган ижобий сиёсий вазиятдан ҳамда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, минтақамизда умумий ахборот майдонни яратиш масаласи ҳам кун тартибига биринчи даражали амалий вазифа қилиб киритилса, фойдадан холи бўлмасди. Шуниси муҳимки, умумминтақавий теле- ва радиоканаллар очилиши ёки умумминтақавий ахборот агентлигининг тузилиши қўшни давлатлар аҳолисининг бир-бирига янада яқинлашишига хизмат қилади.

Олтинчидан, статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Марказий Осиёда 70 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Бу эса минтақанинг ўзида йирик иқтисодий бозор ташкил қилиш мумкинлигини англатади. Шу боис, маҳсулотлар, маблағлар, хизматлар, ишчи кучи ва сайёҳлар оқимларининг чегаралар оша эркин алмашинувини таъминлаш давр талабидир. Бинобарин, минтақада умумий бозор яратиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

2016 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг қўшни давлатларда ўтказиб келаётган тақдимоти ўша ерда яшайдиган аҳоли ва ишбилармонлар ўртасида ниҳоятда катта қизиқиш уйғотиб келмоқда. Бу эса минтақада иқтисодий кооперацияни кучайтиришга хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, умумминтақавий иқтисодий бозорни яратиш вазифаси давлатимиз ташқи сиёсати кун тартибидаги устувор вазифалардан бири бўлиб турибди.

Еттинчидан, Афғонистон йўналишидаги саъй-ҳаракатларни бир неча бор кучайтириш лозим. Тасаввур қилинг, агар юқорида назарда тутилган ҳаракатлар доирасига Афғонистон ҳам (аҳолиси 40 млн. киши) қамраб олинса, Марказий Осиёдаги иқтисодий бозор янада кенгаяди, яъни минтақада деярли 120 млн. кишилик бозор яратиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, агар Трансафғон темир йўли тезроқ қуриб фойдаланишга топширилса, Ўзбекистонда ва унга яқин қўшни давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга Покистондаги 220 миллион кишилик йирик бозор ҳам харидор бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясида қилган чиқишида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратди: «Бугун Афғонистон Марказий Осиё давлатларига Ҳинд океани ва Форс қўлтиғи портларига энг қисқа ва тўғри йўл очмоқда. Ўз навбатида, Афғонистон орқали Жанубий Осиё давлатлари ҳам МДҲ, Европа ва Хитой бозорларига уланишади» (centralasia.news, 30.09.2020 йил).

Умуман олганда, Янги Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатида афғон йўналишининг мақоми ва салмоғи кун сайин ошиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев «деярли ҳар бир чиқишида савдо йўналишларини очиш, транспорт логистикаси яратиш, маҳаллий маҳсулотларимизни йирик бозорларга чиқаришга алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас».

Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, яқиндагина Ўзбекистон ва Афғонистон президентлари ҳамда Покистон Бош вазири Трансафғон темир йўли қурилиши лойиҳасини (Термиз – Қобул – Исломобод йўналишида) тасдиқлашгани ниҳоятда долзарбдир. Ўз навбатида, мазкур қурилишга 4,8 миллиард доллар маблағ талаб қилинишини ҳисобга олиб, халқаро молия ташкилотлари номига уч тарафлама мурожаатнома имзоланди.

Демак, Президентнинг Афғонистонга нотинчлик ва терроризм манбаи эмас, балки атроф-теваракдаги давлатлар учун ижобий ривожланиш имкониятини берадиган фактор сифатида қараш керак, деган фикри амалга ошаётганига гувоҳ бўламиз, деб умид билдирамиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон олға сураётган яхши қўшничилик сиёсати нафақат мамлакатимиз, балки минтақадаги барча давлатларнинг ҳам истиқболли манфаатларига мос келмоқда. Улар бу борадаги янгича ташаббусларни қизғин қўллаб-қувватлаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.
Юқорида қайд этилган ижобий ўзгаришлар эса Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим ва ёрқин жиҳатларидан бирига, яъни унинг ўзига хос «ташриф қоғози»га айланиб бормоқда.

Мулоҳаза

ЎЗИМИЗ МУСТАҚИЛМИЗ... АММО ОНА ТИЛИМИЗ-ЧИ?

Гоҳида ўйлаб-ўйлаб бошинг қотади: тилни асраб-авайлаш ҳақида ниҳоятда кўп гапирилади... Аммо натижа йўқ... Аслида тилни кимдан, нимадан ҳимоя қилиш керак? Ахир мустақил давлат бўлганимизга ўттиз йил бўлган бўлса... Яна ўйга толасан... Математика фанини бутун дунё ўрганади, ўзбек тилини эса ёлғиз биз. Демак, уни фақатгина ўзимиз бузамиз, таҳқирлаймиз, хўрлаймиз. Балки ўзбек тилини бугун ўзимиздан ҳимоя қилишимиз керакдир?

Пойтахтнинг эски шаҳар қисмида ижарада тураман. Кўчамизда мактаб бор. Ҳар тонг минглаб ўқувчилар шовқин-сурон солганча уй ёнидан ўтиб-қайтади. Ҳаммаси ўзимизнинг қорақўзлар.

> **Яқинда бир тадбир баҳона ўша мактабга бордим-у ҳайрон қолдим...**
> **– Рус мактаби бўлишимизга қарамай, ўқувчиларнинг қарийб тўқсон фоизи ўзбек болалари, – дейди юз ифодам ўзгарганини илғаган директор ўринбосари. – Аксарият ота-оналар фарзандини мактабимизда ўқитиш учун ҳар нарсага тайёр. Ҳатто, жанжал қилади, талашади, навбатга туради. Ажабланарлиси, бир бизда эмас, бутун Тошкентда аҳвол шундай!**
> **Очиғи, бу ҳолатдан дилим хуфтон бўлди. Ичимга чироқ ёқса ёришмади. Наҳотки, биз ўзбеклар ўз она тилимиздан шунчалик безиб кетдик, деган ўйлар билан уйга қандай етиб келганимни ҳам билмай қолдим...**

ИСТАК ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛМОҚДА?

Нима учун ота-оналар фарзандини рус мактабларига беришни исташади?

Келинг, буни бир таҳлил қилиб кўрамиз.

Биринчидан, кўпчилик ўзбек мактабларидаги таълимни *(ўзбек мактабларида яхши дарс ўтилмайди, деган қараш пайдо бўлган ва бу тобора кенг тарқалмоқда)* сифатсиз, деб баҳолайди.

Иккинчидан, аксарият ота-она ўз фарзанди онгида «рус тилини билмасанг, ҳеч ким бўлмайсан» деган қарашни шакллантиради *(рус тилини билмасанг катта одам бўлмайсан, тепадигиларнинг барчаси рус тилида гаплашади...)*. Афсуски, ҳозир ҳам ўша эскича қараш ҳукмрон. Аслида, болани ўз она тилидан жудо қилмай, қўшимча дарслар орқали хорижий тилларни бемалол ўргатиш мумкин-ку?!

Учинчидан, шунчаки бошқаларга кўр-кўрона тақлид ва мақтаниш учун. Гўёки ота-она боласини ўзбек мактабига берса, унинг тақдирига беэътибордек кўриниб қолармиш... Мана шу ҳолат, менинг назаримда, энг учига чиққан тентаклик...

Тўртинчидан, барча қулайликларга эга хусусий мактабларнинг рус ё бошқа хорижий тилларга ихтисослашгани учун...

Бешинчидан, баъзи ота-оналар рус тилини билмайди. Шу боис, ҳаётда кўп қийинчиликларга дуч келган. Табиийки, боласининг худди ўзидек қийналишини хоҳламайди.



Хуллас, бугун ўз ота-бобосининг тилини, унинг илдизини билмаслик урфга кирган.

Ана энди ўзбек синфларда кимлар ўқиётгани ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтсак.

Иложсизликдан *(рус мактаби йўқлиги ёки жой тўлганидан)*, ахлоқидан хавотирланган, оилада ўзбекона анъаналарни қатъий қоида билиб амал қилувчи *(муҳит шундайки, улар болаларини рус синфида ўқитишни тасаввур ҳам қилолмайди)* ота-оналар фарзандларини ўзбек мактабларига беряпти. Афсуски, миллатпарварлигидан шу ишни қилаётганлар озчиликни ташкил қилади. Аччиқ бўлса-да, ҳақиқат шу.

АРАБ, ФОРС, РУС, ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАН КАТТА ЗАРБ ЕГАН ТИЛ БОШИДА БУГУН ЯНА БИР ХАВФ – ХИТОЙЧА СЎЗЛАР МУШТ КЎТАРИБ ТУРИБДИ. ҲАР КУН МАМЛАКАТГА КИРАДИГАН МИЛЛИОНЛАБ ТОННА МАҲСУЛОТЛАРГА ҚЎШИЛИБ ХИТОЙ ТИЛИ ҲАМ ПИШҚИРГАН ДАРЁ МИСОЛИ ОҚИБ КИРМОҚДА.

ТИЛИМИЗ ДЕБ КЕРИЛАМИЗ, АММО...

Кунларнинг бирида бир таниқли «...шунос» домланинг *(ҳазрат Навоийни унга боғлагим келмади)* уйига бордим. Бир ҳужжатга имзоси керак эди. Қўнғироқ қилдим. «Совуқда кўчага чиқмайман...» деди. Уйига кирдим. Манзарани таърифлашга тил ожиз... Қўпол қилиб айтганда, бола-чақасини бутун умр Навоий боққан «олим»нинг уйида рус тили ҳукмрон.

> **«Неварамга ўзбекча гапирмаймиз, ўрис мактабга боради-да!», дейди бамайлихотир. Талаффузи бузилармиш... Нафасим қиса бошлади. Имзо қўйдирдим-у, ўзимни кўчага отдим.**
> **Қалбимдан эса бир нидо отилиб чиқарди: эҳ, номард ўзинг «...шунос» олим бўлсанг... Навоий нима учун курашган эди, қўрқмайсанми, виждонсиз!..**
> **Ойнаи жаҳонга чиқиб: «Тилимиз ундай, тилимиз бундай» дея кўкрак керамиз. Аммо боламизни рус мактабига берамиз. Чунки фарзандимиз рус тилини билмаса, катта одам бўлмайди-да...**

ЯНГИ «ЗАРБА»ГА ТАЙЁР БЎЛИНГ!

Араб, форс, рус, инглиз тилларидан катта зарб еган тил бошида бугун яна бир хавф – хитойча сўзлар мушт кўтариб турибди. Ҳар кун мамлакатга кирадиган миллионлаб тонна маҳсулотларга қўшилиб хитой тили ҳам пишқирган дарё мисоли оқиб кирмоқда. Минглаб талабаларимиз Хитойдаги таълим даргоҳларига имтиҳонсиз қабул қилинмоқда. Улар Чин маданияти билан бирга тилини ҳам олиб келмоқда. Унутманг, тилимизни ўзимиз қутқармасак, бошқалар учун унинг йўқолгани – ютгани. Нақадар оғир бўлмасин нақ юз йил олдин жадидларнинг «Мен улусимни жонимдан ортиқ севаман дерлар. Бунларнинг мана шу сўзлари қумучдир» дегани юракларни ҳамон куйдиради, ўртайди.

КУРАШ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Ҳа, шундай! Ўртоқ «зиёли»лар, тил учун курашиш телевизордан эмас, оиладан бошланади! Борган сайин тилимиз қадрсизлик, ишончсизлик ва амали йўқ қарорларнинг қурбони бўлиб бормоқда. Мухтасар айтганда, ҳозир тил қоидасини бузиш шараф саналаётир. Бир вақтлари «Мен турк тилининг асир тушгани ва бўйла тутқин ҳоли...» дея қайғурган Фитрат забонимизни «энг бой, энг бахтсиз бир тил» деганди. Асрликдан ҳали-ҳануз қутулолмаган тил, яхшироқ қаранг-чи, ўлиб қолмадимикан? Қачонгача ўз тилимизни дунё минбарларига муносиб кўрмаймиз? Ё ўзимиз мустақил-у тилимиз номустақилми?

Аввало халқаро тадбирларда раҳбарларимиз ўзбекча гапириши керак. Шундагина тилнинг қадди кўтарилади.

Навоий бобомизнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида тилимиз яшаши учун доим курашиб келгани, ўзга тилларга бағри очиқ бўлиб, лекин бундан доим азият чекканини ўқишингиз мумкин: «Аммо туркнинг улуғдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидан баҳраманддурлар, андоқким ўз хўрд аҳволига кўра айта олурлар, баъзи фасоҳат ва балоғат била ҳам тақаллум қилурлар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар. Аммо сорт улусининг арзолидан ашрофиғача ва омийсидан донишмандиғача ҳеч қайси турк тили била такаллум қила олмаслар ва такаллум қилғоннинг маънисин ҳам билмаслар. Агар юздин, балки мингдин бири бу тилни ўрганиб сўз айтса ҳам, ҳар киши эшитса билур ва анинг сорт эканин фаҳм қилур ва ул мутакаллим ўз тили била ўз расволиғига ўзи иқрор қилғондекдур».

Тилимиз доим бағрикенглик товонини тўлади. «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг боласи гапирсин», деди бошини қанча тошлар уриб ёрган халқ. Кучли давлатнинг тили ҳам «узун» бўлади. Беҳбудий дейди: «Аммо кўпдан бери Туркистонда маданият ва салтанат ва адабиёт таданий этгани учун халқ бу лаҳжани бузгандир. Бузмоқ нари турсун, Туркистоннинг ҳар бир шаҳарининг ва ҳатто баъзи бир касаба ва кўйларининг шеваси бошқадур».
Яқинда мамлакатимиз истиқлолимизнинг ўттиз йиллигини нишонлаймиз. Бироқ тилимиз ҳали номустақил, ёзувимиз эса аросатда... Аммо биз тилимизнинг тўла амали учун курашни сира тўхтатмаймиз. Тўхтатмоқ – тилнинг ўлмоғига кўнмоқдир! Шундай экан, тил учун курашни аввал ўзимиздан бошлайлик!

Жавлон ЖОВЛИЕВ

Қорақалпоғистон Республикаси | Халқ ихтиролари

Яқинда Мўйноқда «Бурлак» номли йўлтанламас автомобиль ихтиро қилинган эди. Ушбу автомобиль «Газ 66», «Matiz», «Tico», «Damas», «Nexia» каби 10 та автомашинанинг эҳтиёт қисмларидан йиғилган бўлиб, Мўйноқдаги кўллар, Орол денгизининг қирғоқлари ва бошқа транспорт бориши қийин бўлган жойлар учун мўлжалланган. Қорақалпоғистонда яратилган антиқа автомобиллар фақат бу эмас. Қуйида улардан айримларини санаб ўтамиз.

«ЯГОНА»ДАН «БУРЛАК»КАЧА

Оролбўйида яратилган антиқа автомобиллар ҳақида

1. «ЯГОНА»

Амударё тумани Манғит шаҳрида истиқомат қилувчи Алишер Юлдашев бундан 3-4 йил аввал эски «Запорожец» автомобилининг корпуси асосида янги автомобиль йиққан эди. «Тико»нинг мотори, «Мазда»нинг ўриндиғи, «Малибу»нинг рули ва орқа фаралари, «Каптива»нинг олд қопламаси (облицовка)ни «Запорожец»нинг корпусига ўрнатиб, антиқа автомобиль яратган ихторочи унга «Ягона» деб ном қўйган.

«Ягона»нинг яратилиш тарихи қизиқ. Бир куни А.Юлдашевнинг (у амалдор бўлиб, машина йиғиш хоббиси) ёнига 5-синфда ўқийдиган қизи келиб, «дада, менга ҳам машина олиб беринг. Фақат у машина ҳеч кимда йўқ, ягона бўлсин» дейди.

Отаси қизининг илтимосига биноан ишга киришади ва 3 йил деганда мазкур автомобилни унга ҳадя қилади.

А.Юлдашевнинг айтишича, қизи ҳозирда Нукус давлат педагогика институтида 1-курсда таҳсил олмоқда. Яқинда автомактабда ўқиб, гувоҳнома ҳам олган.

2. САКСОВУЛ УРУҒЛАРИНИ ЭКАДИГАН РОБОТ-МАШИНА

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Жақсилиқ Даулетназаров ва Тошкент давлат аграр университети талабаси Рустамжон Мадреимов мини қуёш панели ёрдамида ҳаракатланадиган саксовул уруғларини экиш ускунасини ишлаб чиқишди. Бу ускунани фақат уруғ экишда эмас, полиз экинлари зараркунандаларига қарши курашиш, экин майдонларини юмшатиш ишларида ҳам қўллаш мумкин.

3. ҚАМИШ ЎРАДИГАН «ТАНК»

Беруний туманида истиқомат қилувчи Умар Халлиев антиқа автотранспорт яратди. Ғилдираклари «Spark»ники, мотори «Toyota»ники бўлган бир қарашда танкка ўхшайдиган ушбу автотранспорт йўл танламайди. Қуруқликда ҳам, сувда ҳам бирдек ҳаракатлана олади.

Ихтирочи Умар Халлиевнинг таъкидлашича, мазкур танксимон транспорт асосан қамиш ўриш учун ўйлаб топилган. Уни йиғиб, тайёр ҳолга келтиришга атиги 2 ой вақт кетган.

– Қишнинг кунлари қамишни ўриш учун сувга тушишга тўғри келади, – дейди У.Халлиев. – Бизда кўпчилик қамишни янгиси чиқиши учун шунчаки ёқиб юборади. Бу, албатта, экологияга зарар етказади. Қамишлардан унумли фойдаланиш керак. Мазкур техника бунинг учун қўл келади.

4. «БУРЛАК»

Мўйноқлик Алёша Утеулиев кўлларга ва бошқа автомобиль бориши қийин бўлган жойларга элтиш учун мазкур автомобилни яратди. Ихтирочи ушбу автомобилни 10 та машинанинг эҳтиёт қисмларидан яратган. Янги машина кўринишидан квадрациклга ўхшаб кетади.

«Бурлак» ўзи, аслида, Россияда ишлаб чиқилган сувда ҳам, қуруқликда ҳам, қорда ҳам ҳаракатлана оладиган йўлтанламас автомобилидир. «Бурлак» сўзининг асл маъноси «сув кемасида ишлайдиган деҳқон» деган маънони англатади.

Маълумки, Қорақалпоғистондаги кўлларнинг кўпчилиги Мўйноқ туманида жойлашган. Кўлларга одатда ботқоқликлардан, қумликлардан ўтиб борилади. Орол денгизи соҳиллари ҳам ботқоқ бўлиб, у ерда оддий автомобиллар юриши амри маҳол. Денгиздан артемия овлайдиганлар эса фақат квадрацикларда ҳаракатланади. Уларнинг нархи эса баланд. Шу боис, Алёша «Бурлак» каби антиқа автомобилни яратишга аҳд қилган.

Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ *(таҳрир ҳайъати раиси)*,
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ *(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*,
Темур МАМАЖОНОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича)*,
Меҳриддин ШУКУРОВ *(Масъул котиб – «Ishonch»)*,
Валентина МАРЦЕНЯК *(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: С. Абдураҳмонов
Мусаҳҳиҳлар: С. Шодиева, З. Холмуҳаммедова
Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **21:50**
Топширилди – **22:10**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 106.** **30254** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-ўй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Эълонлар

Тошкент архитектура қурилиш институти томонидан 2005 йилда Курбанов Ихласжон Султанович номига берилган BN№215952 рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.
***
Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги 28-мактаб томонидан 1998 йилда Назарбекова Гулшат Наурызовна номига берилган OR-AN№384402 рақамли шаҳодатнома йўқолгани маълум қилинади.

Тошкент шаҳри Адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 5 июлда TN №000596 (реестр рақами: 596) рақам билан рўйхатдан ўтган (СТИР206713004) «QONUN AMRI» адвокатлик бюроси ўз иш фаолиятини тугатишини маълум қилади. Талабномалар 2 ой давомида қабул қилинади. Тел.: (93) 529-96-35.
***
Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани, «А.Ортиқов» ҚФЙ, Дўстлик кўчасидаги рақамсиз уй учун Ахмедов Назарали Жўраевич номига берилган ТО 0064589 рақамли кадастр гувоҳномаси йўқолгани маълум қилинади.

Тошкент шаҳридаги Ўқув-даволаш комплекси тиббиёт коллежи томонидан 2014 йилда Бахриддинова Фаёза Сайфиддин қизи номига берилган K№3593950 (рўйхат рақами: 555) рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.
***
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Давлат хизматлари маркази томонидан 2019 йилда рўйхатдан ўтган «XOTOMOVA IXLIM QUDRATOVNA» оилавий корхонасининг (СТИР: 306805424, рўйхат рақами: 773275) муҳри ва штампи йўқолгани маълум қилинади.

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси институтнинг «Тиббий педагогика, даволаш ва халқ табобати» факультети декани, «Тиббий ва биологик кимё» кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори **Абдуқаҳҳор ЖЎРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Андижон давлат университети жамоаси ҳамда касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистон Миллий университети ректори Иномжон Мажидовга отаси **ЎРИШ ота**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.